ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00454

ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ ХАЛҚ ЛАТИФАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

Хамза Ахмадович Ҳайитов
Бухоро давлат университети тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ғафур Ғулом ижодидаги халқ латифаларининг хилма хил кўринишларидан фойдаланганлиги ва унда адибнинг сўз қўллаш маҳорати илмий назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ёзувчи халқ оғзаки ижодининг битмас-туганмас хазина эканлигини ҳақиқий халқ шоири ёки адиби бўлиш, камолотга эришиш учун уларни фақат билиш эмас, уларга эргашиб ёзиш кераклигини ҳам амалий исботлаганлиги унинг ижоди орқали очиб берилган.

Калит сўзлар: фолклор, латифа, Афанди, киноя, қисса, шеър, анъана, лоф, ҳангома, кулги, маҳорат, насрий асар, ҳазил.

GAFUR GHULAM'S SKILLS TO USE FOLK JOKES

Khamza Akhmadovich Hayitov
Researcher of Bukhara State University

ABSTRACT

In this article, the scientific theoretical analysis of the use of different forms of folk anecdotes in the creativity of Ghafur Ghulom and the skill of using the word Adib in it was made. The fact that the writer practically proved that the people's oral creativity is an inexhaustible treasure, that in order to become a real people's poet or writer, to achieve perfection, it is necessary not only to know them, but also to follow and write them, was revealed by his creativity.

Keywords: folklore, anecdote, Master, irony, narration, poem, tradition, lof, hangoma, laughter, skill, prose, joke.

КИРИШ

Ғафур Ғулом “Фольклордан ўрганайлик” номли мақоласида: “Улуғ ёзувчиларнинг ҳаммаси ҳам деярли халқ ижодидидан – фольклордан фойдаланган ва ўрганганлар... Халқ ижоди – фольклорга эргашиб ёзиш ёзма адабиётимизнинг халқ ўртасига кириши, оммалашиши, сингиши учун анча

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00454

ёрдам беради”,[1] – деб ёзганларига, аввало, серқирра ижоди давомида ўзи ҳам қатъий риоя қилди. У халқ оғзаки ижодининг битмас-туганмас хазина эканлигини тан олиб, ҳақиқий халқ шоири ёки адиби бўлиш, камолотга эришиш учун уларни фақат билиш эмас, уларга эргашиб ёзиш кераклигини ҳам амалий исботлади. Ижодий фаолияти давомида бевосита фольклордан ўрганиш ва унга эргашиш тамойилига асосланиб, юксак натижаларга эриша олди. Бу унинг шеърий ва насрий асарларида қўлланилган фольклорга хос жанрлар, мотив ва образларни бадиий синтезлаш асосида яратилган шеър, ҳикоя, қисса, адабий латифа ва лофлари мисолида ёрқин исботини намоён этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқот қилинаётган илмий мақолада асосан ўзбек адабиётининг етук вакили Ғафур Ғулом ижодиёти ёритиб, унинг асарлари орқали халқ латифаларидан фойдаланганлик маҳорати бениҳоя юксак эканлигига амин бўламиз. Хусусан, унинг Мукаммал асарлар тўплами (Toshkent 1986-yil) ва Танланган асарлари тўплами (Toshkent 2018-yil) мақола манбашунослиги ташкил этади. Унинг ушбу тўпламларга киритилган қатор ҳикоялари орқали биз адиб ижодиётидаги халқ латифаларининг бой меросидан баҳраманд бўламиз.

Мақолада илмий изланишлар олиб боришнинг обективлик ва холисоналик анализ ва синтез, тизимлилик, қиёсий таҳлил методларидан фойдаланиб иш кўрилди. Шунингдек, Ғафур Ғулом асарларини ўрганишнинг замонавий методлари билан боғлиқ тавсиялар тадқиқотни методик жиҳатдан бойитишга хизмат қилди. Тадқиқот олиб боришнинг синегретик, диалектик методлари мақолани илмий методик асослантиришга хизмат қилди.

Афанди образининг серқирра эканлигини, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-маиший миқёсларда типиклаштирилганини бизгача айрим тадқиқотчилар кўрсатиб ўтишган.[2] Ғафур Ғулом латифаларида Афанди образи ҳақида М.Ражабова, Г.Имомовалар билдирган фикрлар истиқлол адабиётшунослиги принципларига бевосита ҳамоҳанглиги билан алоҳида эътиборни тортади.[3]

Ғафур Ғулом XX асрнинг 30-йилларида фольклор анъаналарига мурожаат эта бошлаган ўзбек ёзувчи ва шоирларининг пешқадамларидан бири бўлди. Унинг услубида фольклор материаллари синтези алоҳида ўрин тутади. Айниқса, адибнинг ҳикояларидан тортиб қиссаларигача халқ майдон кулгиси элементларидан маҳорат билан фойдаланганини кўрсатади. Ҳаётда ҳам

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00454

табиатан ҳазилга мойил, хушчақчақ, нозиктаъб, ҳозиржавоб бўлган адиб халқнинг латифаю лоф, аския ва қочиримларини яхши кўрган. Буни адиб ҳикоя ва қиссаларида уларга тез-тез мурожаат қилинганидан ҳам илғаш мумкин. Хусусан, халқ латифаларини яхши билиш, уларни реал воқелик билан узвий алоқадорликда бадиий талқин қилиш Ғафур Ғулом асарларига хос муҳим хусусиятлардан биридир.

Ғафур Ғуломнинг “Ҳийлайи шаърий”, “Афанди ўлмайдиган бўлди”, “Ҳасан Кайфий”, “Латифалар” каби қатор бадиий яратмалари борки, уларда гоҳ айёрона, кетасиқли сатирик, гоҳ енгил, кувноқ юмористик кулги жаранглайди. Номи санаб ўтилган ҳикояларда кулгининг бундай кўринишлари баъзан тўппадан-тўғри ўзбек латифалари қаҳрамони Хўжа Насриддин Афанди томонидан, баъзан унинг характеридаги инсонлар томонидан юзага чиқарилади. Умуман, Ғафур Ғулом ижодида Афанди образидан жамият ҳаётидаги, одамлар характеридаги турли зарарли иллатлар устидан кулиш ва уларни танқид қилиш учун фойдаланилган. Адиб асарларидаги муҳим ижтимоий мазмун халқ кулгиси, комик пафосидан ижодий озиқланиш орқали намоён бўлади.

Адибнинг “Афанди ўлмайдиган бўлди” ҳикоясида Афандининг ҳатто топқирлик билан Азроилни ҳам чув туширгани ва ўлмайдиган бўлиб қолгани ҳақида сўз юритилади. Ҳикояда Афандининг бозорга бориб ўтин сотиши, сотилган ўтиннинг уч мири тангасини йўлда эшак устида ўйнаб келар экан, Учкўприк деган жойда олдидан бир оқсоқ ит ҳуриб чиқиб қолиб, эшаги ҳам, ўзи ҳам чўчиб, қўлидаги тангасини тошлар орасига тушириб йўқотиши, лекин қанча қидирмасин, тангасини тополмай, уйига хуноб бўлиб қайтиши баён этилади. Эртаси Афанди яна тангасини қидира бошлайди. Шу пайт унинг олдидан жанозага одам айтиб юрган бир йигитча ўтиб қолади. Афанди йигитчанинг кеча бу ердан ўтганини билгач, уни тангани топиб олганликда айблаб, даъвогарлик қилади. Йигитча эса ноилож Афандига уч мири бериб, қутилиб кетади. Бу ҳол қатиқфуруш билан ҳам такрорланади. Афанди мўмай пул топишга ўрганиб қолиб, беш йилу уч ой “йўлтўсарлик” билан шуғулланади. Унинг бу ишидан хабардор бўлган худонинг қаҳри келиб, Азроилни Афандининг жонини олишга жўнатади. Аммо Азроил тақдир китобида Афандининг яна йигирма бир йил умри бор эканлигини айтади. Шунда худо бўлмаса, Афандини қўрқит деб Азроилга буюради. Азроил ҳандалакфуруш қиёфасида Афандига рўбара келади. Афанди ундан ҳам уч мирисини талаб қилади. Шундан сўнг Азроил ўзини танитиб, Афандига пўписа қилади ва катта

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00454

тош тагидан унинг тангасини топиб беради. Афанди эса бу мирини “менинг тангам эмас” деб тан олмайди. Азроил унга осон даромадли деб, табиблик касбини тавсия қилади. Афанди эса: “Табибчиликка илм керак, мен эса ғирт саводсизман, алифни калтак дея олмайман, қизамиқ билан чипқонни бир-бировидан ажратолмайман, тақсир”, – дейди. Азроил унга: “Табибчиликка илмнинг ҳожати йўқ. Худди сендақа авомлардан табибнинг зўри чиқади. Хотинингга элликтача халта тиктирасан. Халталарга ҳар хил ўтларни қуритиб, уқалаб оласан. Беш-олти шишада ҳар хил ранго-ранг сувлар тайёрлайсан. Маҳалангга бориб, тушимда ҳазрати Луқмон оғзимга тупуриб кетди, табиб бўлдим дейсан. Сал кунда довруғинг оламни босиб кетади. Қолганига мен ёрдам бераман”, – дейди. Афанди унинг қандай ёрдам бериши мумкинлигидан ҳайратланади. Бунга жавобан Азроил: “Ахир мен ўлим фариштасиман. Кимнинг ажали етганини мендан олдин биладиган киши йўқ. Ким ўлади, ким қолади, мен сенга ишоратлар билан маълум қилиб тураман, яъни бир одам касал бўлди, сени табиб деб чақиртирадилар, сен билан қўшилишиб мен ҳам бораман. Сен мени кўрасану, халойиқ мени кўрмайди. Агар мен бориб касалнинг оёқ томонига ўлтирсам билгинки, ўта касал ўлади. Агар бош томонида ўлтирсам, ҳар қандай оғир касал бўлса ҳам, соғайиб кетади. Ана шунга қараб ишингни қилаверасан”, – дейди.[4]

Бу кулгили диалоглар ҳикоянинг энг мароқли қисми бўлиб, сохта фирибгар табибларни фош этишга қаратилгани билан сатирик кулгини юзага чиқарган.

Афандининг ишлари Азроил айтганидек юришиб кетади. Орадан йигирма бир йил ўтиб, унинг қазо муддати етиб келади. Шунда Афанди Азроилдан икки ракаат номоз ўқишга рухсат сўрайди. Азроил рухсат беради. Афанди номознинг бир ракаатини ўқиб, юзига фотиҳа тортади ва иккинчи ракатини ўқишга шошилмай, ўрнидан қўзғалади. Буни кўриб, шошиб қолган Азроил: “Ия, Афандим, номозинг чала қолди-ку, қолган бир ракаатини ўқимайсанми?!” – деб сўрайди. Афанди эса илжайиб туриб: “Вақтим йўқ, эшикда беморлар кутиб қолишди. Қолган бир ракаатини дунёдан зерикканимда ўқийман. Ҳаёт жуда ширин нарса, ҳунаринг жон олиш бўлгандан кийин сен буни тушунармидинг, аблаҳ ...”,[5] – дейди.

Ана шу бўлибдию, Афанди ўлмайдиган бўлиб қолибди. Азроил бўлса, унинг орқасидан бир ракаат номозни қистаб неча юз йилдан бери овора юраркан.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00454

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳикояда Афанди образи динамикаси алоҳида эътиборни тортадиган масалалардан биридир. Лекин бунда унинг ёмонликдан яхшилик сари эмас, аксинча, яхшиликдан ёмонлик сари келиши очиб берилади. Яъни бошида терган ўтинини сотиб, ҳалол меҳнати билан кун кўрувчи меҳнаткаш Афанди, йўқолган тангасини даъво қилиб, текин даромад топиш йўлини ўзлаштириб олгач, муттаҳам, фирибгар, текинхўр кишига айланиши, ундан сўнг янада ашаддийлашиб, барчани алдовчи, риёкор табиб қиёфасида фаолият кўрсатиши мотивлари мисолида қалбини пул, текин бойлик ҳирс, нафс эгаллаган кишини бошқа инсонлар ва жамият тақдири қизиқтирмаслиги фожиаси очиб берилган.

Халқ оғзаки ижодида биргина Афанди образигина ана шундай серқирра фош этувчи образ сифатида кўзга ташланади. Шу сабабли ҳикоядаги Афандининг барча ҳатти-ҳаракати ҳеч кимни шубҳага солмайди, ҳатто у Азроил, Шайтон каби диний-афсонавий персонажлар билан бир макон ва замонда фаолият юритса ҳам барча унга бир хилда ишонади.

Ғафур Ғуломнинг Афанди латифаларини реал ҳаёт воқеликлари билан боғлаш орқали мазмунни кенгайтириш ҳисобига яратилган ҳикояларидан яна бири “Мулла Насриддин Афанди ва Шайтон алайҳул лаъна”[6] ҳикоясидир. Унда Мулла Насриддиннинг Аҳмадали ва Жўравой исмли дўстлари билан Оқтош қишлоғига совчилика бориб қуруқ қайтишаётганида Дўрмон қишлоғидаги олчазорда дам олиш учун тўхтаб, олчазор ўртасидан оқиб ўтган ариқнинг нариги бетига ўзлари еган олча данакларини отишлари, шунда бирдан ер қалқиб, қора тутун осмонга ўрлаб чиқиши, тутун аста пасайиб маҳлуқ қиёфасига кириши, ёнида кичик боласи ҳам борлиги, у Афанди ва унинг дўстлари қаршисига келиб, уларга дўқ ура бошлаши, бунга улар отган гилос данагининг бир донаси шайтонваччанинг кўзига текканлиги экани, шу сабабли шайтон улардан товон талаб қилиши, Афанди ва унинг дўстлари эса унинг шайтонлигини тан олмаслиги, шайтон ва Афанди шартлашиши бирин-кетиин ҳикоя қилинади. Афанди ва унинг дўстлари талаби билан шайтон ариқни тескари оқизади, фавворалар пайдо қилади, олча дарахтидаги олчаларни қимматбаҳо тошга айлантиради. Навбат Афандига етиб келганда, у шайтоннинг қулоғига ҳуштак чалиб, ҳуштакларга саккизтадан тугма қадаб беришини талаб қилади. Ҳамма ишнинг уддасидан чиқа оламан деган шайтон Афандининг шартини бажара олмай, енгилади. Шайтон ҳанг-манг бўлиб, бу ҳангомаларга томошабин бўлиб турган ўғлига яқинлашади ва “падар лаънат шайтонвачча, ҳамма айб ўзингда экан! Қани юр, қолган жазони онангдан оласан...” дея, унинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00454

қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юборади. Яна ер осмон кўприкдай силкинибди. Бу силкинишдан совчиликдан узоқ йўлдан қуруқ қайтаётиб, ҳориб ухлаб қолган уч оғайни чўчиб уйғониб кетадилар.[7]

Кўринадики, латифадаги воқеалар Афандининг тушида юз беради. Унда манманлик ва кибр сабабли Оллоҳнинг инсонга сажда қилиш ҳақидаги буйруғини рад этгани учун лаънатланган шайтоннинг ақлли ва мукаммал қилиб яратилган инсон олдидаги ожизлиги очиб берилган. Инсон зукколиги сабаб улуғланган.

Афанди образи ёзма адабиётда ҳам худди фольклордаги каби ҳамиша ақлли, зийрак, ҳар қандай ноқулай ҳолатдан осонлик билан кутулиб кета оладиган доно ва тадбиркор киши сифатида тасвирланади. У ҳар қандай жумбоққа осонлик билан ечим топади. Дафъатан берилган саволларга ҳам ҳозиржавобдир. Афанди тўғрисўз, ҳақиқатгўй, жамиятдаги иллатлар устидан кулувчи қаҳрамон сифатида гавдалантирилади.

Ғафур Ғулом асарлари орасида Насриддин Афанди ҳақидаги латифалар, уларнинг ўлмас қаҳрамони Афанди образидан ижодий фойдаланиб яратилган кичик ҳикоялар алоҳида ўрин тутиб, айрича эътиборни тортади. Уларда Насриддин Афанди номи билан боғлиқ халқ латифалари мазмунининг адиб яшаган даврга хос бирор-бир воқелик билан боғлангани, бунинг натижасида фольклор билан ёзма адабиёт хусусиятлари ўзаро синтезлаштириб юборилгани кузатилади.

Ғафур Ғуломнинг латифа ҳикояларида Афанди бир неча хил қиёфада намоён бўлади. Адиб ижодида Афанди образи гавдалантирилган бир неча латифалар учрайди. Улардан бири “Охурга кетяпман...” латифасидир. Уда айтилишича, “…ёмонлик қилишдан лаззатланмай қолган хон, шоирликни ҳавас қилиб ғазал машқ қила бошлабди. Неча кун оввора бўлиб, пойма-пой, мазмунсиз шеър ёзибди. Уни аёндаги вазиру вузароларга ўқиб берибди. Ҳаммалари таҳсин ўқибдилар. Ҳатто шайхулисломнинг жазаваси тутиб оғзидан оқ кўпиклар чиқариб ўзидан кетибди”.[8] Демак, ҳикояда қон тўкишлардан, биродаркушликлардан, хуллас, ёмонлик қилаверишдан лаззатланмай қолган хоннинг “шоирлик ҳавас қилиб қолиши”, лекин шоирлик ва шеър ёзиш истеъдодига беписандлик билан қараши фош этилади. Хоннинг пойма-пой қофияли, мазмунсиз шеърини шайхулислому вазирлари “Каломулмулуку – мулукулкалом” (“пошшонинг сўзи – сўзларнинг пошшоси”) дея таърифлаб, кўкларга кўтариб мақтайдилар. Бу мақтовларга ишонқирамаган хон “ҳақ гапни айтувчи” Афандини ҳузурига чақириб, ундан “шеърнинг ҳақиқий баҳоси”ни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00454

билмоқчи бўлади. Афанди эса хонга: “...хон деган аблаҳ ҳамма ишни ҳавас қила бермаса. Қўлидан келмайдиган ишга уринмасин... Шеърдай табаррук ишни ҳаром қилмасин”, – деб ўзининг кескин фикрини қўрқмай айтади. Бундай кутилмаган жавоб хоннинг ғазабини келтиради ва бу шаккокни олиб бориб, отхонага боғлаб, охурда овқат беришларини буюради. Аммо “бу орада хоннинг шоирлик ҳаваси совумабди. Бир ҳафтача уннаб, ўн тўрт йўллик бир ғазал ёзибди. Саройдагиларга ўқиб берган экан, ҳаммаёқдан оҳу-уҳ, тасанно, офарин деган мақтовлар эшитилиб, ҳатто шайхулисломнинг юраги ёрилиб ўлибди. Бош вазир эса: агар худодан қўрқмаганимда бу ғазалдаги сўзлар Қуръондаги сўзлардан ҳам юқори туради, деяр эдим, – деган хулоса чиқарилибди. Шунда хон яна Афандининг “муносабатини” билмоқчи бўлибди. Афанди ғазални ичида ўқиб чиқиб, қайтариб хонга топширибди-да, орқасига ўгирилиб кета бошлабди. Хон уни тўхтатмоқчи бўлиб: “Тўхтанг, Мулла Насриддин, қаерга кетяпсиз? Ахир ғазал тўғрисида фикрингизни айтиб кетинг”, – дебди. Афанди эса: “Қаерга кетар эдим. Ем-хўрак вақти бўлди. Охурга кетаяпман”, – деб жавоб берибди. [9]

Ғафур Ғулом бу латифа орқали шоирлик ва шеър ёзишликнинг истеъдод туфайли юзага келишига алоҳида аҳамият қаратган. Чунки Шарқда шеър ва шоирлик ҳамиша улуғланган. Шеър илмининг моҳияти ва шоирлик салоҳияти хусусида мутафаккирларнинг қимматли фикрлари манбаларда қайд қилинган. Жумладан, “Шоирлик шундай санъатки, (шоир) бу санъат орқали ҳаяжонлантирувчи тушунчаларни ҳосил қилади ва таъсирчан қиёсларни бир-бирига улайди”.[10] Латифада ижодкор ва ижодкорликни тушунмаган хоннинг зулмкорлиги, сарой мулозимларининг хушомадгўй ва манфаатпарастлиги аччиқ кулги билан фош этилган. Бу латифа орқали Ғ.Ғулом ўз даврида истеъдоди туфайли қадри топталган, ҳаётига нуқта қўйилган, бесабаб қамалган ёки қатағон қилиниб, отиб юборилган шоиру ёзувчиларга ачиниш ҳиссини ҳам яширин ифода эта олган.

Афанди жавобларида халқ тилининг ўткирлиги, куч-қуввати жозибадорлиги, маънодорлиги, гўзаллиги равшан кўринади. Латифада Афандининг кескин жавобларидан “Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин” ёки “Қўлингдан келмаган ишга уринма” каби мақоллардаги ибратли фикрларнинг аниқ ва лўнда ифодасини ҳам кўриш мумкин.

Ғафур Ғуломнинг “Қандолат шеър” номли латифасида ҳам чин ва сохта шоирлик ўртасидаги фарққа урғу қаратилган. Унда шеърнинг моҳиятини тушунмаса-да, шоирликни даъво қилувчи ёш шоирнинг хатти-ҳаракатлари фош

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00454

қилинади. Бунда ҳам муаллиф бевосита Афанди образидан фойдаланиб, ёш шоир сохтакорлигини очиб ташлайди. Ёш шоир бир баркашчага писта, новвот, пашмак, ҳар хил қандолатларни ва унинг устига ўзининг иккита маънисиз шеърини қўйиб, Афандига юборади. Лекин уч ой вақт ўтса ҳам, Афандининг жавобини биролмагани учун унга мактуб орқали мурожаат қилади. Афанди эса: “Шогирдимиз мулла фалонча. Ширинликлар орасида келган иккита шеърингизни масза қилиб новвот шимиб ўтириб ўқиб чиқдим. Эндиги гал шеър қўшиб юбормай, қандалотларнинг ўзинигина юборсангиз ҳам шеърдай қабул қила берамиз”,[11] деб мактубга жавоб йўллайди.

ХУЛОСА

М.Ражабова ёзганидек: “Мазкур латифада ҳам Афанди шоирлик даъво қилувчи истеъдодсиз шахслар устидан кулади. Ҳар иккала латифада ҳам бир мавзу кўтарилган бўлса-да, бироқ уларда Афанди образидаги икки хил хусусият кўзга ташланади. Биричи латифада Афанди ўз фикрларини кескин ва дангал руҳда айтишдан қўрмайдиган қаҳрамон сифатида гавдаланса, иккинчи латифада Афанди табиатига хос қувноқлик, ҳазил ва мутойиба орқали рақибларини фош қилувчи образ сифатида гавдаланади”.[12]

Юқоридагилардан маълум бўладики, латифалар ҳам фольклор ва адабиёт синтезини таъминловчи муҳим воситалардан биридир. Бу борада Ғафур Ғулом ана шундай ишни амалга ошира билган бадиий маҳорат соҳибларидан бири сифатида намоён бўлади.

REFERENCES

1. Ғулом Ғ. Фольклордан ўрганайлик // Мукаммал асарлар тўплами. 11-том. – Т.: Фан, 1989. – Б.75-80.
2. Қаранг: Афанди латифалари (нашр этувчилар Б.Саримсоқов ва Ф.Йўлдошева). – Т.: Бадиий адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б.3-5.
3. “Насриддин Афандининг дунё кулги маданиятидаги ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. Ўзбекистон, Бухоро шаҳри, 2019 йил 30 март. – Бухоро, 2019. – Б. 64; 96.
4. Ғулом Ғ. Мукаммал асарлар тўплами. 6 том. – Т.: Фан, 1986. – Б.158.
5. Ғулом Ғ. Мукаммал асарлар тўплами. 6 том. – Т.: Фан, 1986. – Б.160-161.
6. Ғулом Ғ. Мукаммал асарлар тўплами. 6 том. – Т.: Фан, 1986. – Б.161-164.
7. Ғулом Ғ. Мукаммал асарлар тўплами. 6 том. – Т.: Фан, 1986. – Б.43-45.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00454

8. Ғафур Ғулом. Танланган асарлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.348.
9. Ғафур Ғулом. Танланган асарлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.348.
10. Самарқандий Низомий Арузий. Нодир ҳикоятлар. Шарқ мумтоз поэтикаси. Ҳамидулла Болтабоев талқинида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.32.
11. Ғафур Ғулом Ғ. Мукаммал асарлар тўплами. 6 том. – Т.: Фан, 1986. – Б.238.
12. “Насриддин Афандининг дунё кулги маданиятидаги ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. Ўзбекистон, Бухоро шаҳри, 2019 йил 30 март. – Бухоро, 2019. – Б. 99.